

## THEORETICAL PROBLEMS OF STUDYING THE SUBJECT OF HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS "FUNDAMENTALS OF FORMATION OF CULTURE OF LIFE SAFETY CULTURE."

Kamalova Mahfiza Shamsidinovna

Samarkand State Institute of Architecture and Construction,  
Assistant of the Department of Life Safety, Samarkand, Uzbekistan,  
Nafisakamalova5@gmail.com tel: 998 91 5541737

### **Abstract:**

The article provides feedback on the effectiveness of teaching the subject "Fundamentals of the formation of a culture of life safety" for students of higher education in the field of "Safety of life", the problems of teaching the subject.

**Keywords:** Basics of culture of life safety, cultural security, problems of teaching the subject of HFHMSHA.

**Кириш.** Ҳозирги пайтда замонавий Ўзбекистонимиз олдидаги энг асосий муаммолардан бири хавфсизликни таъминлашdir. Инсонлар томонидан хавфсизликни олдини олиш чора-тадбирлари нафақат мавжуд холатда муҳофазаланишни ва тазиикнинг маълум қисмини бартараф этишни, балки уларни юзага келиш сабабларини йўқотиш орқали потенциал хавфни юзага келишини олдини олишга имкон беради. Одамларнинг атроф-мухитга боғлиқ бўлмай яшаш даври тугади. Ҳозир шу нарса аниқ бўлдики, инсоният биосферанинг қонунларини эътиборга олган холда ривожланиши мумкин. Бунинг учун нафақат маънавий, моддий бойликларни, балки маданиятилизни хам ўзгартириш керак бўлиб қолмоқда.

Республикамиз Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2016 йил декабр ойида олимлар билан бўлган учрашуvida таълим тизими рақобатбардош бўлиши, акс холда таълим сифати замонавий талаблардан узилиб қолиши кузатилиши мумкинлигини айтди. Бу тизимнинг асосий функциялардан бири келтирилган муаммоларни ечишда маданий интеллектуал таъминот бўлиши, тазиик ва хавфларга қарши турошлиши керак. Бу масалани ҳал қилишда Ўзбекистон Республикаси ФВВ ўз фаолиятини бошлаганидан буён жамиятда ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг маданиятини шакллантиришга йўналтирган бўлиб, жамиятда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги маданиятини шакллантириш жараёнида аҳолини барча гурухларида фуқаро муҳофазаси, ФВлардан муҳофазаланиш, ёнғин хавфсизлиги ва сув объектлари хавфсизлиги соҳасида билимларни беришга адолатли урғу берилиши зарурдир. [ 1 ]

Бу тизимнинг фаолият кўрсатишидан асосий мақсад Ўзбекистон аҳолисини табиий, техноген ва ҳарбий фавқулодда вазиятлар юзага келганда хавфлардан муҳофазаланиш

усулларини ўргатишдан иборат.

**Усул ва услуб.** Бунинг учун янги дунёқарашни, идеаллар ва қадриятлар тизимини ишлаб чиқиш, хавфсиз типдаги инсон фазилатларини шакллантириш, жамият ва давлатни яратиш, пировардида хавфсиз типдаги жаҳон ҳамжамиятини яратиш зарур. Бунга эришишнинг энг самарали усулларидан бири бу мавжудликни асоси ва ҳар қандай цивилизациянинг энг муҳим идентификация қилиш хусусияти сифатида тегишли маданиятни шакллантиришdir.

Хавфсизлик маданияти - маданиятнинг таркибий қисми бўлиб, у меҳнат маҳсулотларининг таркибида, воситаларида акс этади, инсонларнинг ўзаро муносабатларининг ривожланиши ва моддий дунёни ўзгаришига йўналтирилган бўлади. Хавфсизлик маданияти илм, тажриба ва билимдан ташқари дунёқараш фикрларни, маънавий ва эстетик бойликларни, хавфсизлик муаммоларини хал этишнинг интеллектуал тажрибасини, биргаликда яшаш жараёнидаги ўзаро мулоқот ва алоқа хавфсизлигини ҳам тушуниради.

**Олинган натижалар.** Хавфсизлик маданиятида бундай мақсад ва қадриятларга ҳаётий (соғлиқ, хавфсизлик, фаровонлик, тўқлик, комфорт ва б), ижтимоий (таваккалга мойиллик, мустақиллик, ҳаётий муваффакиятлар), сиёсий (озодлик, қонунчилик ва б), маънавий (эзгулик, хаққонийлик, ўзаро ёрдам ва б), диний (худоий қонунлар, нажот, фаровонлик ва б), эстетик (идеал, уйғунлик, мукаммаллик, яъни хавфсиз одам юксак қадриятга, уйғунлик) каби хоссалар киради. [ 2]

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги маданиятининг таркибий элементлари қуидагилардан иборат:

- индивидуал даражада - бу дунёқараш, ўзини тутиш нормалари, индивидуал қадриятлар ва инсоннинг ҳаёт хавфсизлиги соҳасидаги тайёрлиги;
- коллектив даражада - корпоратив қадриятлар, касбий одоб-ахлоқ, бу соҳадаги кадрлар тайёрлиги;
- жамоат ва давлат даражасида - хавфсиз хатти-харакатлар анъаналари, ижтимоий қадриятлар, ҳаёт хавфсизлиги соҳасида бутун аҳолининг тайёрлиги.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини шахсият даражаси - инсоннинг тавсифини ва ҳаёт фаолиятини, унинг хавфсизлик маданиятини ижодий ўзлаштиришининг асосий шартшароитидир. Лекин, хавфсизлик маданиятини шахсият даражасида гавдаланиши ва ҳаёт фаолиятини хавфсизлиги инсон ва унинг фаолиятининг тавсифи сифатида намоён бўлиши бир нарса эмас.

Мамлакат аҳолиси орасида уни шакллантириш усуллари ва воситаларининг таҳминий рўйхатини қуидагича умумлаштирилиш мумкин.

- индивидуал даражада - "Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги» фанидан дарслар давомида оиласи таълим, таълим ва тарбия, мактаблар, синфлар, ўкув марказларида ўқитиш;
- коллектив даражада эса, корпоратив қадриятлар тизимини, касбий этика ва ахлоқни ривожлантириш, потенциал хавфли ва бошқа обьектлар ходимларини тайёрлаш.

- жамоат ва давлат даражасида - давлат сиёсатини амалга ошириш, хавфсизлик бўйича умуммиллий мафкурани ишлаб чиқиш, меъёрий-хуқуқий база, хавфларни бошқариш, ижтимоий суғурта реклама соҳасида илмий-техник фаолиятни шакллантириш.

Кўриб турганимиздек, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги маданиятини шакллантириш глобал характерга эга бўлиб, кўп ўлчовли аҳамиятга эга. Демак, хавфсизлик маданиятини шакллантириш бўйича фаолият тизимли, фанлараро ва идоралараро характерга эга бўлиши керак.

Бунда ҳаётнинг хавфсизлиги соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар алоҳида ўрин тутади.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги маданиятини шакллантиришда бошлангич (индивидуал) даражадаги обьектни шакллантиришга келсак, шахсиятни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Унинг фазилатлари таҳдидларнинг олдини олиш ва хавфли ва фавқулодда вазиятларни вужудга келтириш, уларнинг салбий оқибатларини минималлаштириш омилларини белгилайди. Коллективлар, ижтимоий гурухлар ва умуман олганда хавфсиз хатти-харакатларнинг хукмронлиги асосан уларнинг таркибий қисмларининг шахсий фазилатлари билан белгиланади.[3]

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги маданиятини шакллантириш янада самаралироқ амалга оширилиши учун аниқ тизим зарур, чунки назариянинг ўзи этарли эмас. Кўпгина ёшларнинг билими яхши ва ёмонни аниқ англашда етишмайди ва фавқулодда вазиятда нима қилиш кераклигини билмайди. Буларнинг барчаси ҳаёт хавфсизлиги маданияти йўқлигидан далолат беради.

Шуни эсда тутиш керакки, маданий мерос ўз-ўзидан кўпайтирилмайди, уни ўтказиш, ўзлаштириш ва жорий этиш зарур, шунинг учун таълим ҳаёт хавфсизлиги маданиятини шакллантириш учун асосдир. Албатта, Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги маданиятини шакллантириш субъект соҳаси сифатида бизнинг давримизда этарлича ривожланмаган, чунки унинг янгилиги, таърифларнинг кўп қирралилиги ва унинг ривожланишини аниқлайдиган кўрсаткичнинг йўқлигидир.

Ушбу камчиликларни амалга ошириш аҳолининг фавқулодда вазиятларга тайёргарлигини, шунингдек, ахлоқий ва ватанпарварлик тарбияси даражасини сезиларли даражада оширади, жамиятнинг турли хавф-хатарлар олдида ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлайди, одамларнинг йўқотишларини камайтиради ва мамлакатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашнинг асосий омилларидан бири бўлади. Ҳозирги кунда таълим билан бир қаторда замонавий оммавий ахборот воситалари хам умумий маданият ва ҳаёт хавфсизлиги маданиятини шакллантириш нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эгадир. Улар аҳолига ҳар куни кучли таъсир ўтказиб, улар идеаллар ва қадриятларни, атрофдаги ҳақиқатга, билимларга ва хиссий ҳолатларга муносабатларнинг шаклланишига ҳисса қўшадилар. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги маданиятини шаклланишига таъсир кўрсатадиган асосий усуллар ва воситалар, ҳаёт хавфсизлиги соҳасида билимларни оширишдан ташқари, шахснинг

ахлоқий ғояларини кўтариш, психологик ва ватанпарварлик тарбиясига эътибор бериш керак, буларнинг барчаси таҳдид ва хатарлар сонини чеклашга ёрдам беради. Оилавий таълим, маънавий-ахлоқий тарбия, мактабларда, касб-хунар ва барча таълим муассасаларида таълим олишга эътибор бериш керак, чунки инсоннинг ички бойлиги, унинг ажралмас қисми хисобланади.[4]

Олий мутахассислик таълими доирасида - билим ва қўникмалар жамланмасинигина бериш эмас, балки ўқиши ўқитиш керакдир. Бу мақсадларга эришиш учун Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги маданиятини шакллантиришда қуидаги масалаларини ечиш керак бўлади:

- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги маданиятини шакллантиришни обьектларини шундай сифат ва холатларини ривожлантириш керакки, унда ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ички мақсадли ўрнатишни шакллантиришга имконини берсин. Бу шахсий ва жамоат идеаллари ва қадриятлари, сабабларга кўра ҳаракатларидир;
- хавфсиз кун кечириш тўғрисидаги билимларга муҳаббат туғдирмоқ, атрофдаги дунё, социум билан ҳамжихатликда ривожланиш;
- ҳаёт фаолияти хавфсизлиги соҳасида турғун индивидуал ва ижтимоий, ахлоқий хоссалари бўлган анъаналар, аҳлок меъёрларини шакллантириш;
- одамлар, уларнинг колективлари ва бирлашмалари учун Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги маданиятини шакллантириш борасида шароит яратиш. Ушбу масалани ҳал қилиш учун биринчи навбатда Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги маданиятини шакллантиришда ҳуқуқий, меёрий, қонуний ва ўкув- дастурий асосини яратиш керак. Ҳозирги пайтда бундай бошланғич асос яратилган. У республика миқёсидаги қонунлар, Ўзбекистон Республикасининг Президенти ва Вазирлар Маҳкамасини меёрий ҳуқуқий актлари, фақулодда вазиятлар вазирлиги ва бошқа муассасаларнинг ҳаёт фаолияти хавфсизлиги соҳасидаги меёрий ҳуқуқий актлари, фуқаро муҳофазаси борасидаги аниқ маълумотлар, меъёрий- услугий материаллар, уларни олдини олиш ва бартараф этиш, ёнгин хавфсизлиги ва сув ҳавзаларида инсонлар хавфсизлигини таъминлаш, таваккални камайтиришга қаратилган маълумотларни ўз ичига олади.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги маданиятини шакллантиришнинг ўкув-услубий асоси ўз ичига давлат ўкув стандартлари, асосий фанлар, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги асослари, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанлари, ҳамда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги соҳасида билим олаётган турли аҳоли гуруҳлари учун таҳминий ўкув режаларини олади. Бу ҳаёт фаолияти хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга қўйиладиган мақсад ва вазифаларини бажариш учун бошланғич асос бўлади.

### **Адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016

йил 7 декабр -Т.:“Ўзбекистон” НМИУ, 2016.- 48 б.

2. Воробьёв Ю.Л. “Основы формирования культуры безопасности жизнедеятельности населения”. Научно-методический труд.
3. Дурнев Р.А. “Культура безопасности жизнедеятельности. Статья в энциклопедии “Гражданская защита”. Том II. Москва-2006.
4. Вайнштейн Л. А. “Психология безопасности труда”. Учебное пособие-Минск - 2019.-47 с.